
Расмий муносабат

Ижтимоий тармоқларда Учкўприк тумани "Ҳасанқора" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган иссиқхоналардан самарасиз фойдаланилаётгани ҳақида мурожаат эълон қилинди. Мазкур мурожаат юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

Кадастр агентлиги Учкўприк тумани бўлими томонидан "Ҳасанқора" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган иссиқхона ер майдонидан фойдаланиш ҳолати ўрганилди.

Ўрганиш давомида Сомсапаз қишлоғида жойлашган 0,37 гектар ер майдонини "Ғозиғиждон" маҳалла фуқаролар йиғини Раҳимобод қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳайдаров Дилшоджон Рустамовичга иссиқхона қурилиши учун ажратиб бериш тўғрисида Учкўприк тумани ҳокимининг 2017 йил 17 ноябрь кунги 1508-сонли қарори қабул қилингани аниқланди. Шундан сўнг, мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралган ва Фарғона вилояти ҳокимининг 2017 йил 30 декабрь кунги 641-сонли қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланиш учун ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарори билан тасдиқланган. Ушбу ер майдонининг 935,58 квадрат метрида иссиқхона, 18,32 квадрат метрида тўсиқ девор жойлашган бўлиб, 2021 йилда кадастр ҳужжатлари тайёрланиб, давлат рўйхатидан ўтказилган.

Шунингдек, мазкур ҳудуддаги 0,20 гектар ер майдони "Учкўприк" маҳалла фуқаролар йиғини Узумзор кўчасида яшовчи фуқаро Самадова Ҳадича Турсуновнага туман ҳокимининг 2017 йил 17 ноябрь кунги 1494-сонли қарори билан иссиқхона қурилиши учун ажратиб берилган. 2019 йилда кадастр ҳужжатлари тайёрланиб, давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мурожаатда келтирилган икки иссиқхона "Инвест кўчмас мулк савдо" масъулияти чекланган жамиятининг 2020 йил 28 ноябрь кунги 102-сонли олди-сотди шартномасига асосан "Учкўприк" маҳалла фуқаролар йиғини Анҳор кўчасида яшовчи фуқаро Сайдалиев Шухратжон Якубжоновичга ўтказиб берилган.

Ҳозирда Кадастр агентлиги Учкўприк тумани бўлими томонидан ушбу ер майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан туман ҳокимлигига тақдимнома киритилган.

2024-09-24 09:39:44